



бу.г. «31» декабр

№ 1869-к

**“Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Зарафшон” массивида фуқаро Ёдгорова Маликага тикувчилик цехи қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”**

Тумандаги “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Сулфакабутак” маҳалласида яшовчи фуқаро Ёдгорова Малика туман ҳокими номига “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Зарафшон” массиви ҳудудидан намунавий лойиҳа асосида қурилатган уй жойлар массиви бош режасидан тикувчилик цехи қуриш учун ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид булмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Тумандаги “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Сулфакабутак” маҳалласида яшовчи фуқаро Ёдгорова Маликага “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Зарафшон” массиви ҳудудидан намунавий лойиҳа асосида қурилатган уй жойлар массиви бош режасидан тикувчилик цехи қуриш учун 0,08 га қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Ёдгорова Маликага тикувчилик цехини қуришдан олдин катъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Фуқаро Ёдгорова Малика томонидан “Ер кодекси”нинг 36-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Кадиров